

## FACTORS OF MODERN TECHNOLOGICAL APPROACH TO EDUCATION

Alisher Aloxunov

Senior Lecturer, Department of World History, Fergana State University,  
Doctor of Philosophy in History (PhD)

**Abstract:** This article discusses and explains the principles of effective foreign pedagogical experience in the field of retraining and advanced training of teachers, effective analysis of acquired knowledge, skills and abilities.

**Keywords and expressions:** Technological approach, creative approach, interdisciplinary, integration, modern teaching technologies, innovation, radical, modified.

Таълимнинг замонавий технологиялари инсоннинг интеллектуал салоҳиятини оширувчи янги усулдир. Яъни ёшларни замонавий фан ва технологияларни пухта эгаллашларида юқори натижалар бериши биз таҳлил қилган хорижий тажрибаларда асосланган. Таълимнинг бу янги усуллари ёшларни мустақил фикрлаб, тафаккурини замонавийлаштиришга, уларнинг замон руҳи ва талабларига мослаштишлари, маънавий ва ғоявий мукаммаллаштишлари амалий таъсир кўрсатади. Жаҳоннинг илғор мамлакатлари савиясига эришиш учун миллат ўз интеллектуал потенциални кўтариш йўлида яна нима ишлар қилмоғи кераклигини чуқур англагандагина тараққиётга асос яратган бўлади, чунки халқ онгли ва фаол равишда келажакка интилмас экан, ижодий тафаккур, мустақил фикрлай олиш ғоялари “қуруқ шиор” бўлиб қолаверади.

Ижодий ва мустақил тафаккурга эришишнинг бирдан бир омили, бу, ижтимоий онг ва ижтимоий талаб-эҳтиёжлардир. Хусусан, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кўпчилик вилоятларда янги олий ўқув юртларининг ташкил этилиши ёки улар филиалларининг очилиши муносабати билан ушбу олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга. Бу борада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг қоидаларига мувофиқ, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги, жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир [1.20]. Бу дастур узлуксиз таълимнинг устувор йўналишларидир.

Ўзбекистон Республикаси олийгоҳлари ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш курсларида ибратли тадбирлар ва янги таълим технологияларини эгаллаш ишлари амалга оширилмоқда.

Айниқса, олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини тайёрлаш ва улар малакасини оширишда замонавий ўқитиш технологияларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни қайд этган эди: «Тарбиячи – устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак» [2.27-28].

Барчамизга маълумки, анъанавий таълим тизимида профессор-ўқитувчи талабага ёки тингловчига асосан ахборот берувчи манба ҳисобланади. Замонавий таълим ўқитиш шароитида, кафолатланган ўқув мақсадларига эришиш жараёни олдиндан лойihalаштирилади ва амалга оширилади. Технологик

ёндашув эса юзакиликка эмас, балки режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи ноанъанавий конструктив, кўрсатмали схемаларда ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ҳам ана шундай технологик ёндашув, аввало, фанлараро интеграцияни таъминлаш, тингловчиларни ортиқча қийинчиликлардан озод этиш, вақтдан унумли фойдаланиш, малака ошираётган профессор-ўқитувчилар, барча тингловчилар орасида ташаббускорлик муҳитини юзага келтириш, эркин фикрлаш, ижодий изланиш тизимини яратиш каби қатор ишларни амалга оширишга астойдил хизмат қилаётган педагогик жамоа шакллантирилган.

Айни пайтда фан ва таълим соҳаларида амалга оширилаётган барча ислохотларнинг марказида ўқувчи, талаба ёки ҳар қандай тингловчини таълим жараёнининг субъекти-фаол иштирокчисига айлантириш ётади. Бунга эса фақат ўқув-тарбия жараёнига замонавий технологик ёндашув асосида эришилади. Демак, барча ислохотларимиз асосида одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, келажак авлодлар бахту камолини кўришдек эзгу орзу-истакларимиз турибди. Хулоса билан биргаликда қуйидаги тавсияларни беришни лозим топдик:

1. Олий ўқув юртлариаро ижодий ва илмий ҳамкорликни янада такомиллаштириш.
2. Талабаларнинг ижтимоий тармоқлардан мақсадли фойдаланишини назоратга олиш.
3. Фанлараро тадқиқотларни ягона мақсадга қаратишда фаолликни ошириш.
4. Олим ва тадқиқотчилар ўртасида халқаро тажриба алмашинувини рағбатлантириш.
5. Малака ошириш ва хусусий таълим марказларини рағбатлантириш.

“Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рим клубида” қўлланилган. Инновацион таълим – таълим олувчида янги ғоя, меъёр қоидаларни яратиш ўзга шахслар томонидан илғор ғоялар, меъёр қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим.

Инновацион таълимнинг тўрт тури қуйидагича:

1. Фаолият йўналишига кўра:
  - педагогик жараёнда қўлланиладиган инновациялар;
  - таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар.
2. Киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра:
  - радикал;
  - модификацияланган;
  - комбинацияланган инновациялар.
3. Ўзгаришларнинг кўламига кўра:
  - тармоқ (локал);
  - модуль ва тизим инновациялари.
4. Келиб чиқиш манбаига кўра:
  - жамоа томонидан бевосита яратилган.
  - ўзлаштирилган инновациялар;

Олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ташкил этишда ўзига хос ёндашувлар 5 хил бўлади:

1. Гнотик динамик ёндашув.
2. Индивидуал фаол ёндашув.
3. Инсонпарварлик ёндашув.
4. Кўп субъектлик ёндашув.
5. Индивидуал – ижодий ёндашув.

Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш 4 босқичдан иборат.

1- босқич. Муаммони таҳлил асосида аниқлаш. Тайёр методик тавсиялардан (мавжуд инновациялардан) фойдаланиш.

2- босқич. Мўлжалланаётган таълим тизимини лойиҳалаш. Мавжуд тизимга янги ғоялар, методларни киритади.

3- босқич. Ўзгаришлар ва янгиланишларни режалаштириш. Янги ғояларни амалга ошириш, мазмун, шакл ва методларни тизимлаштириш.

4- босқич. Ўзгаришларни амалга ошириш. Педагогик ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз концепцияси ва методикасини яратади.

Технология – маҳорат, санъат, малака ва “логос” – сўз, таълимот маъноларини англатади.

“Технология” тушунчаси истеъмолга 1872 йилда кириб келган.

Таълим технологияси таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида, инсон ва техника ресурслари ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимидир.

Таълим технологияси назарияси шаклланиш босқичлари куйидаги йилларга тўғри келади.

1-босқич – XX асрнинг 30-йиллари.

2-босқич – XX асрнинг 50-йиллари

3- босқич – XX асрнинг 60-йиллари.

Педагогик технология бўйича 1961 йилда АҚШда “Педагогик технология”, деб номланган журнал чоп этилган. 1971 йилда Англияда “Аудиовизуал ўқитиш” журнали босилиб чиққан.

Педагогик технология бўйича Англияда 1967 йилда Миллий кенгаш тузилган.

Японияда 1967 йилда Миллий кенгаш тузилган.

Америка Қўшма Штатларида 1971 йилда Ассоциация тузилган.

Италияда 1971 йилда Миллий кенгаш ва Венгрияда 1973 йилда педагогик технология бўйича давлат марказлари ўз фаолиятини бошлади. Кўриниб турибдики, таълим жараёнини технологиялаштириш ўқув жараёнининг мақсади ёки мақсадларига эришишни кафолатловчи усул воситалари билан таъминланганлиги саналади. Маълумки, таълим жараёнининг технологик босқичлари куйидагича босқичларга бўлиниши лозим:

1- босқич. Лойиҳалаш.

2- босқич. Талабалар фаолиятини ташхислаш.

3- босқич. Педагогик жараённи ташкил этиш.

4- босқич. Педагогик жараённинг самарали кечишини таъминлаш.

5- босқич. Талабалар фаолиятини назорат қилиш.

Замонавий жамиятда ҳаётнинг қайси бир жабҳасини олманг, янги инновацион ёндашувни кўрасиз. Ҳоҳ у қишлоқ хўжалиги соҳаси бўлсин, экологик соҳа дейсизми, иқтисодий соҳами, фан ва таълим соҳасими, кўйингки, мамлакатимиз шиддат билан жаҳон интеграциясига юз тутмоқда экан, янги инновацион ғоялар ҳаётга татбиқ этилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Таълим соҳасида хорижий таълим модулларининг қўлланилиши таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Айниқса, “Ижтимоий иш” йўналишларида бу услублар ижтимоий муаммоларни ўрганишда жуда қўл келади. Масалан, “**Кластер**” методи. Талабаларга берилган мавзу бўйича эркин ўйлаш ва турли жавоблар ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи методдир.

Хулосамиз шуки, ёшларимиз баркамол авлод бўлиб камол топса, жамиятимиз кучли бўлади, жамиятимиз тараққий этса, давлатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлайди, шубҳасиз.

### Адабиётлар:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // Олий таълим: меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Т., 2001.
2. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993.
3. Ғайбуллаев Н. Педагогика асослари. – Т.: «Ўзбекистон», 2016.
4. Ziyonet.uz.

- 
5. Mirzarahimov, B. H. (2020). The Tasks Of Tourism In Aesthetic Education: The Harmony Of Historicity And Modernity. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(09), 652-658.
  6. Сиддиков, И. Б. (2018). Социально-философские аспекты формирования интеллектуальной культуры молодёжи. Theoretical & Applied Science, (1), 61-66.
  7. Ahmadjonovna, E. T., & Bakhromovich, S. I. (2020). Pedagogical Analysis Of Culturo-Educational Institutions' Actions In Youth Education (On The Example Of Museum Activities). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(08), 576-582.
  8. Alokunov, A. A. (2021). On The Study Of Ancient Irrigation Systems In Central Asia. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(04), 145-150.